

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 5/8

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i> ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i> ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	16-21
<i>Хужаниязов Уктам Ешбаевич</i> “ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i> ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i> ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР	39-46
<i>Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i> TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i> O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i> O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i> SHARQDA KUCHLI IJTIMOIIY NIHOYA TIZIMI TARIXI	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i> НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ	76-80
<i>Alimova G‘unchaxon Baxadirovna</i> JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i> XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	68-93
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i> PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i> ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKIOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI.....	101-109
<i>Xaitbobaeva Nigora Bakmatatovna</i> T'UQIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA MARKETING STRATEGIYASIDAN FOYDALANIISH B'YIYCHA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI.....	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbonboyevich</i> MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERNI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELII.....	120-132
<i>Maxmudov Tursunpuulat Davronovich</i> INVESTITSIYA MANBALARINING MINTAQAGA IKTISODIYETIGA TA'BSIRI	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i> KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Muydinova Zilola Voxid qizi</i> CHEGARA BOJXONA POSTLARI FAOLIYATIDA "AVTOMATLASHTIIRILGAN IY'LOVCHI XARAKATI" MOBIL ILOVASINI JORIY ETISH ORQALI IKTISODIY TAHLILNI TAKOMILLASHTIIRISH.....	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i> TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Saidova Kamola Uskanbaevna</i> ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i> INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Ochilova Guzаль Aralovna</i> YUKSAK MA'NAVIYAT-MANFAATLAR BIRLIGINI TA'MINLASHNING MUQIM OMILI.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i> MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i> AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i> IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEKANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i> MEHRSIZLIK HODISASINI KELITIRIB CHIQRUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i> DINIY MANBALARDA IJTIMOIIY HAMKORLIK O'OYALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i> TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

<i>Dehqonov Behzod Baxtityorovich</i> YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI	225-230
<i>Abdullayeva Firuza Sharipovna</i> NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI	231-236
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i> SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G'OYALAR	237-243
<i>Ибрагимов Солижон Эргашович</i> АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ.....	244-251
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Qodirova Mukaddas Tog'ayena</i> BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI.....	252-257
<i>Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich</i> DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE	258-265
<i>Hamroyeva Sharifa Shukur qizi</i> TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA)	266-271
<i>Olimova Gulfiza Muradullayevna</i> BADIIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI.....	272-281
<i>Айниддинов Иқрориддин Шарифович</i> АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	282-287
<i>Turaeva Dilfuza Daminovna</i> O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	288-295
<i>Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna</i> LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI	296-305
<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli</i> LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	306-311
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZELOGIK BIRLIKLARNING KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA	312-317
<i>Шамақсудова Саодат Хидоятовна</i> МАССМЕДИА АСПЕКТНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР.....	318-324
<i>Шатова Ирина Юрьевна</i> ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	325-330
<i>Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna</i> FRAZELOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI	331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> KO'P MA'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i> МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Hikmatullayevna</i> THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи</i> ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365
<i>Mamatallyev To'liqin Xushmamat o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i> МАКТАВГАСНА ТА'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384
<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i> ТЕХНИК ОЛИЙ О'QUV YURTLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI	385-390
<i>Tadjixodjaeva Эльвира Рашидовна</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396
<i>Тўрахонова Барно Турсунбой қизи</i> БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	397-406
<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i> USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412
<i>Каримжоновна Мунаввар Ибрагимовна</i> ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421
<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i> VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI ТАКОМИЛЛАСHTIRISH	422-426
<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i> КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435
<i>Бердикулова Насиба Эркинжоновна</i> СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO

SIFATIDA443-448

08.00.00- Иқтисодиёт фанлари

Мўйдинова Зилола Воҳид қизи,
Божхона қўмитаси ФВББ инспектори,
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси (PhD)
e-mail: moydinovazilola747@gmail.com

**ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА “АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ
ҲАРАКАТИ” МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация. Ушбу мақолада чегара боғхона постлари фаолиятида иқтисодий таҳлилни самарали ташкил қилиш, шунингдек, йўловчилар ҳаракатини назорат қилувчи “Автоматлаштирилган йўловчи ҳаракати” мобил иловасини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш орқали иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш борасида тадқиқот ишлари натижаси кенг баён этилган.

Калит сўзлар: мобил илова, рақамлаштириш, гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил методлари, хавфни бошқариш тизими.

Muydinova Zilola Vokhid kizi,
Inspector of the Department of Fergana
region of the Customs Committee, independent
researcher of the Tashkent financial institute

**IMPROVEMENT OF ECONOMIC ANALYSIS THROUGH THE INTRODUCTION OF THE
MOBILE APPLICATION “AUTOMATED PASSENGER PROCESSING” IN THE ACTIVITIES OF
BORDER CUSTOMS POSTS**

Abstract. This article extensively describes the result of research work on the effective organization of economic analysis in the activities of border customs posts, as well as the development of the mobile application "automated passenger movement", which controls passenger traffic, as well as improving economic analysis by introducing it into practice.

Keywords: mobile application, digitization, grouping, economic analysis techniques, risk management system.

Мўйдинова Зилола Воҳид қизи
Инспектор Управления таможенного комитета
по Ферганской области, независимый исследователь
Ташкентского финансового института

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЯ
МОБИЛЬНОГО ПРИЛОЖЕНИЯ “АВТОМАТИЗИРОВАННЫЕ ПАССАЖИРСКИЕ
ПЕРЕВОЗКИ” В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПОГРАНИЧНЫХ ТАМОЖЕННЫХ ПОСТОВ**

Аннотация. В данной статье подробно описывается результат исследовательской работы по эффективной организации экономического анализа в деятельности пограничных таможенных постов, а также разработка мобильного приложения "Автоматизированное перемещение пассажиров", которое

контролирует пассажиропоток, а также совершенствование экономического анализа путем внедрения его в практику.

Ключевые слова: мобильное приложение, оцифровка, группировка, методы экономического анализа, система управления рисками.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N20>

Кириш

Жаҳонда глобаллашув мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро алоқасини ҳамда халқаро иқтисодиётга ўзаро таъсирини тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон молиявий бозорларининг интеграциялашуви ягона глобал савдо тармоғининг нақадар муҳимлигини исботлади. Халқаро савдо иқтисодий ўсишни таъминловчи мамлакат бошқарувидаги асосий драйверлардан биридир. Бугунги кунда мамлакат халқаро савдосини такомиллаштириш, ўсишни таъминловчи экспортни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ҳамда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, божлар ва солиқларни ундириш, товарлар алмашинувидаги ўзгаришлар билан ҳамнафас фаолият юритиш божхона хизмати органларининг асосий мақсадидир.

Жаҳон божхона ташкилотининг Рақамли божхона режасининг асосий таркибий қисмларидан бири Ташкилот тавсияларига асосланган ҳолда замонавий АКТларни қўллаб Жаҳон савдо ташкилотининг “Савдони соддалаштириш келишуви”ни амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Ушбу келишувнинг мажбуриятларидан бири – божхона ҳамда бошқа чегара хизматлари фаолиятига янги автоматлаштирилган дастурларни фаол жорий этиш ва мавжудларини такомиллаштиришдир.

Бутун дунё ҳамжамиятида барча соҳаларда илғор ўзгаришлар юз берар экан, давлат ва фуқароларнинг, давлат ва давлатнинг ўзаро алоқасини таъминлаш ҳамда уларга етарли даражада хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, қисқа вақт мобайнида уларни етарли ахборот билан таъминлаш ҳар бир ривожланган ва ривожланаётган мамлакатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ва албатта, ушбу вазифани рақамлаштиришсиз амалга ошириб бўлмайди.

Ваҳоланки, мамлакатимизда божхона органлари фаолиятини, хусусан, чегара божхона постлари фаолиятини такомиллаштириш, чегара постлар орқали кириб келиши мумкин бўлган хавфларни минималлаштириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий таҳлил усулларини янада такомиллаштириш ва янги босқичга олиб чиқиш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, божхона органлари фаолиятида ташқи иқтисодий фаолият субъектларига кенг бизнес имкониятлар яратиш ҳамда шаффоф инсон омилиси божхона назорати ва расмийлаштирувини таъминлаш мақсадида бугунги кунда 34 та ахборот тизимлари, 44 та интерактив хизматлар ва 6 та мобил иловалар татбиқ этилган. Бироқ, ушбу ахборот тизимлари орқали олинган маълумотларни тизимли иқтисодий таҳлили олиб борилмаслиги мавжуд муаммоларнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Шунингдек, А.Х.Худайбердиев, Ж.И.Исроилов, М.Қ.Пардаев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Ф.Додиев, Д.М.Расулев, Ш.А.Маджидов, Д.А.Исмаилов, Б.Т.Байхоновлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда [2; 22-б] эса, иқтисодий таҳлил ва унинг аҳамияти, иқтисодий

таҳлилнинг самараси борасида кенг илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шу билан бирга, божхона органларида тизимли иқтисодий таҳлилни амалга ошириш борасида божхона хизмати генерал-майори С.А.Арипов, иқтисод фанлари доктори, профессори Р.А.Турапов, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Ш.У.Азизов, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори А.О.Назаров, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори З.Маккамовлар томонидан божхона аудитини такомиллаштириш, божхона тўловларини оптималлаштириш ва халқаро тажрибаларни муваффақиятли имплементация қилиш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришга оид халқаро ҳамда миллий тажрибалар бўйича илмий тадқиқотлар ўрганилди. Мақолани шакллантириш жараёнида кузатиш ва танлаб олиш, илмий-назарий, эмпирик кузатув усулларида фойдаланилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган хорижий ва миллий статистик манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Бухгалтерия фанининг профессори, иқтисодчи Х. Р. Вайзман шундай ёзган эди: "...таҳлилни ривожлантиришнинг бошиданоқ унинг мақсадли ўрнатилиши, албатта, иқтисодий бошқарув эҳтиёжлари учун ҳисоб маълумотларидан фойдаланиш усули сифатида режалаштирилган эди" [4; 228-б].

Ўтган асрнинг яна бир машхур олими, профессор В. Р. Кондратовнинг фикрини келтириш мумкин: "...таҳлил билан яқунланмаган бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ўз маъносини йўқотади: мақсадсиз бўлади" [1;32-40-б].

Муҳокама

Мақолада қуйидаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Жумладан, етакчи мамлакатлар тажрибасига кўра, хусусан, Озарбайжон Республикаси Божхона хизмати томонидан йўловчилар учун ишлаб чиқилган "Smart Customs" мобил иловаси мавжуд бўлиб, аммо илова йўловчилар учун декларацияни расмийлаштиришни кўзда тутмайди ҳамда онлайн ҳуқуқий маслаҳат бўлимлари мавжуд эмас.

Дубай божхона хизмати (Бирлашган Араб Амирлиги) Дубайга келган йўловчиларга божхона декларациясини электрон шаклда хавфсиз топшириш имконини берувчи ақлли мобил иловаси мавжуд, ушбу илова билан ҳозирги анъанавий қоғоз шаклидаги декларациялашдан воз кечилган. "iDeclare" деб номланган онлайн илова йўловчилар учун божхона расмийлаштируви жараёнини соддалаштириб, декларацияланиши шарт бўлган тижорат товарлари, шахсий буюмлари ёки нақд пулларини аэропортга келишидан олдин ёки кейин ўз-ўзидан декларациялаш имконини беради, бу уларнинг вақт ва ортиқча харажатларни тежайди.

"iDeclare" ишга туширилиши билан Дубай божхонаси Яқин Шарқда йўловчилар учун ақлли мобил декларацияларни жорий этган биринчи божхона маъмурияти бўлган. Ушбу ақлли илова орқали маъмурият 2017 йилда 88,2 миллион йўловчини қабул қилган Дубай халқаро аэропортига йўловчи ташишни янада соддалаштиришни мақсад қилиб қўйган ва бу билан кетма-кет 4 йил давомида бутун дунё бўйлаб барча аэропортлардан биринчи ўринни эгаллаган. Бироқ ушбу илова фақат аэропортда ҳаракатланаётган йўловчиларга мўлжалланган.

Шунингдек, бажхона чегаралари орқали ҳаракатланаётган йўловчилар учун рақамлаштирилган божхона назоратини таъминловчи ахборот тизимлари ҳамда мобил иловаларга эга бошқа мамлакатлар тажрибалари ҳам ўрганилди. Хусусан, Дубай амирлиги (iDeclare), Япония (Japan Customs), Комбоджа (e-CD customs declaration), Индонезия (Customs Declaran@KNO) божхона хизматлари томонидан божхона аэропорти текширувлари жараёнида самарадорликни ошириш ва йўловчилар учун барча аэропорт терминалларида ўз товарларини декларациялаш имконини берувчи мобил иловалар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, АҚШда чегара орқали ҳаракатланаётган йўловчилар учун махсус “Mobile Passport” иловаси мавжуд бўлиб, ушбу илова орқали йўловчилар чегарани кесиб ўтгунга қадар 4 соат олдиндан маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга бўлади ва барча божхона расмийлаштирувларини ушбу илова орқали амалга оширади.

Халқаро тажрибаларни ўрганиш асносида шунга гувоҳ бўламизки, айни кунда жисмоний шахслар учун мукамал божхона назорати ҳамда расмийлаштирувини амалга ошириш, чегаралар орқали ҳаракатланаётган йўловчиларнинг йўналишлар кесимида иқтисодий таҳлилини амалга ошириш имконини берувчи ягона тизим ҳамда мобил илова мавжуд эмас.

Шу боис, чегара божхона постларида йўловчилар ҳаракатини назорат қилишни рақамлаштириш ҳамда қоғоз хужжатлардан воз кечиш, шунингдек, маълумотларни тўлиқ қайта ишлаш ва самарали таҳлил олиб бориш мақсадида “Автоматлаштирилган йўловчи ҳаракати” мобил иловасини яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб божхона органларида чегара божхона постлари фаолияти таҳлил қилинган. Бу борада, Божхона органлари фаолиятини рақамлаштиришни чегара божхона постларида йўловчилар назорати ҳамда йўловчи божхона декларациясини электронлаштириш бўйича маълумотларни таҳлил қиламиз.

“Дўстлик” чегара божхона пости (кейинги ўринларда ЧБП деб юритилади) орқали 2023 йил январь-май ойларида жами 2 737 621 нафар фуқаролар ҳаракатланган бўлса, шундан 1 315 803 нафар киришда, 1 421 818 нафар фуқаролар чиқиш йўлаклари орқали йўловчи божхона декларацияси (кейинги ўринларда ЙБД деб юритилади) расмийлаштирилган ҳолда ҳаракатланган (1-жадвал).

1-жадвал.

“Дўстлик” ЧБП орқали ЙБД билан ҳаракатланган фуқаролар сони¹

№	Божхона пости коди	Божхона пости	ЙБД билан ҳаракатланган фуқаролар сони			
			Жами	Кириш	Чиқиш	Транзит
1	3002	"Дўстлик" ЧБП	5048	1188	3317	543
ЖАМИ			5048	1188	3317	543

¹ “Йўловчи божхона декларацияси” ААТ дастури маълумотлари асосида

“Яллама” чегара божхона пости орқали 2023 йил январь-май ойларида жами 302 865 нафар фуқаролар ҳаракатланган бўлса, шундан 147 664 нафар киришда, 155 201 нафар фуқаролар чиқиш йўлаклари орқали ҳаракатланган (2-жадвал).

2-жадвал.

“Яллама” ЧБП орқали ЎБД билан ҳаракатланган фуқаролар сони¹

№	Божхона пости коди	Божхона пости	ЎБД билан ҳаракатланган фуқаролар сони			
			Жами	Кириш	Чиқиш	Транзит
1	27001	“Яллама” ЧБП	396	218	54	124
ЖАМИ			396	218	54	124

Ўзбекистон Республикасида 57 чегара божхона постлари мавжуд бўлиб, ушбу постлар орқали кунига ўртача 100 минглаб йўловчи ҳаракатланади. Иш ҳажми кўп бўлган чегара божхона постларида йўловчиларнинг божхона назоратини амалга ошириш кўп вақт сарфланишига ва ноқулайликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, кўплаб чегара божхона постларида банк филиалларининг мавжуд эмаслиги ёки иш вақти 9.00 дан 16.00 гача бўлганлиги сабаб божхона тўловлари ҳамда йиғимларини тўлаш учун йўловчи шаҳар марказига бориши ва тўловни амалга ошириши талаб этилмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида таҳлиллар натижасига кўра кўришимиз мумкинки, чегара божхона постларида йўловчилар назорати ҳамда йўловчи божхона декларациясини расмийлаштиришни рақамлаштириш ҳамда рақамлаштириш асосида шакллантирилган маълумотлар базасида ахборотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-мақсади (“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн нафарга етказиш)да *чегара ўтиш пунктларида сайёҳлар учун қисқа муддатда ўтиш тизимини жорий қилиш*, бунда: 2022 йилда қисқа муддатда ўтиш тизими жорий этиладиган чегара пунктларини аниқлаш ва босқичма-босқич ўтиш пунктларини жорий этиш; тизим жорий этиладиган пунктларни жиҳозлаш, сайёҳлар учун шароит яратиш ва тартибларни назарда тутувчи тармоқ жадвал ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш топшириғи берилган.

2023 йил 20 апрелдаги “Божхона кўмитаси Раисининг 2023 йил 3 апрелдаги топшириғи ва Шахсий хавфсизлик бошқармасининг 2023 йил 27 мартдаги 742с-сонли маълумотномасида қайд этилган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси”нинг 11-бандига мувофиқ 30 май 2023

¹ “Йўловчи божхона декларацияси” ААТ дастури маълумотлари асосида.

йилга қадар Йўловчи божхона декларациясини расмийлаштириш ва божхона ахборот тизимига киритиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланган.

Аммо, амалиётда йўловчилар ҳаракати назоратини автоматлаштириш ҳамда “қоғозсиз” расмийлаштирувни амалга ошириш имкони мавжуд эмас. Шунингдек, жорий йилда мамлакат раҳбарининг Қирғизистон Республикасига расмий ташрифи доирасида келишувга биноан Ўзбекистон-Қирғизистон Республикалари чегаралари орқали ҳаракатланишда йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида ID карталар ёрдамида ҳаракатланиш белгиланган. Бу борада кўламли ишлар амалга оширилганлигига қарамай ушбу тизим амалиётга ҳали ҳам жорий этилмади. Бунинг асосий сабабларидан бири, ID карталар орқали ҳаракатланган фуқаронинг чегарани кесиб ўтганлик фактини божхона органлари инспекторлари аниқлаш имкони мавжуд эмас. Натижада, белгиланган муддатларда жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун *божсиз олиб кириш нормаларини назорат қилишнинг иложи бўлмайди* ҳамда божхона чегаралари орқали олиб кириладиган товарлар ҳажми кескин ортади.

Шу боис, чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган йўловчилар учун божхона назорати ва расмийлаштирувини, хусусан, “Йўловчи божхона декларацияси”ни ҳамда “Божхона кирим ордери”ни расмийлаштиришни рақамлаштириш мақсадида “Автоматлаштирилган йўловчи ҳаракати” мобил иловасини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Натижалар. Юқорида таклиф этилаётган мобил иловани амалиётга жорий этиш орқали божхона органларининг чегара божхона постлари фаолиятида нафақат иқтисодий таҳлил такомиллаштирилади, балки қуйидаги ёндош афзалликларга эришиш таъминланади:

- чегарани кесиб ўтганлик факти мавжуд йўловчиларнинг ягона электрон, автоматик тарзда янгиланиб турувчи ахборот базаси (портфолио) яратилади;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, хусусан, катта маълумотлар тизими, булут технологияларидан кенг фойдаланиш имкони яратилади;
- ҳар бир божхона чегара пости орқали ҳаракатланаётган йўловчиларнинг алоҳида назорати йўлга қўйилади;
- бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга эришилади;
- ушбу соҳага доир илмий-тадқиқот фаолияти самарали ташкил этилиши натижасида янги ёндашувлар ҳамда мезонлар ишлаб чиқилади.
- йўловчилар ҳаракатини назорат қилишнинг шаффоф механизми ишлаб чиқилади;
- “Йўловчи божхона декларацияси” ҳамда “Божхона кирим ордери” автоматлаштирилган тарзда расмийлаштирилади, қоғоз ҳужжатлардан воз кечилади;
- аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар бартараф этилади;
- ижтимоий хавфли шахслар алоҳида хавф гуруҳлари асосида назоратга олинади;
- инсон фактори камаяди, йўловчи ҳамда божхона органи инспектори ўртасидаги муносабат натижасида юзага келувчи коррупцион ҳолатлар олди олинади;
- божхона чегаралари орқали ҳаракатланаётган йўловчилар, хусусан, туристлар учун қулайликлар яратилади ва мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларидан

бири этиб белгиланган туризм соҳасини ривожлантириш ва туристлар оқимини кўпайтиришга эришилади;

- MICE (Meetings, Incentives, Conferences, Exhibitions – бизнес туризм) туризм иштирокчиларини божхона назоратидан ўтказишни соддалаштириш натижасида бизнес муҳитни ривожлантириш ҳамда Doing Business рейтингда юқори ўринларга кўтарилишга имконият яратилади;

- божхона назоратини амалга оширишда божхона инспекторининг аралашувини камайтиришга (бу ўз навбатида мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради) эришилади;

- Қирғизистон Республикаси билан ўзаро келишувлар асосида ID карталар орқали чегаралардан ҳаракатланиш йўлга қўйилганда жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кириш нормалари ҳамда муддатлари тўлиқ назорати амалга ошириш таъминланади (ID карталарда чегара қўшинларининг чегарани кесиб ўтганлик факти бўлмайди, бу эса ўз эҳтиёжи учун олиб кириш нормалари ҳамда муддатларини назорат қилишда қийинчилик туғдиради);

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлардаги мажбуриятларини бажаришига ҳамда Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган энг аввало чегарадош давлатлар билан яқин дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатнинг амалий ечими бўлади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Юқорида қайд этилган маълумотлар ва келтирилган таклифларга асосланиб шуни хулоса қиламизки, ҳозирги кунда иқтисодий таҳлилга асосланмаган ҳар қандай фаолият ўз самарадорлигини ошира олмайди. Негаки, ҳар қандай бошқарув қарорлари асосланган иқтисодий таҳлил орқали қабул қилинса, ўз ижобий натижасини кўрсатади.

Иқтисодий таҳлил бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ ва мамлакатнинг ҳар бир сектори ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. шу жумладан божхона органлари фаолиятини такомиллаштиришда, таҳлил қилинганда иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда узоқ муддатли режалар тузилади, уларни амалда амалга ошириш осонлашади. Бундан ташқари, иқтисодий таҳлил ҳар доим аниқ кўрсаткичлар асосида қарор қабул қилишга ёрдам беради. Кўрсаткичларни аниқлаш учун мақолада таклиф қилинган илова божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. В.Р.Кондратов Ҳисобларни таҳлил қилиш ва техник-иқтисодий таҳлилни ажратиб бўлмайди. Бухгалтерия, 1955, №6, 32-40 б.
2. Ж.И. Исроилов, Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.–Самарқанд. 2004., - 22 б.;
3. М.Қ.Пардаев, Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд. 2001. - 22 б.;

4. Х.Р.Вейцман, Бухгалтерия ҳисоби бўйича корxonанинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш (ҳисобларни таҳлил қилиш). Москва, Союзоргучет, 1938, 228 б.
5. “Йўловчи божхона декларацияси” ААТ дастури маълумотлари.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).